



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2014-yil 29-avgust • №35 (4278)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида**

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий гоёни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлимизни англаш йўлида катта хисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

### «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

**Султонов Нормўмин Намозович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Ўтбосаров Абдумўмин Абдумажитович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали диктори  
**Холиқова Муқаддас Шомаксудовна** — Ўзбек миллий академик драма театри актери

### «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

**Чоршанбиев Очил Элмуродович** — Қашқа-

дарё вилояти Фузур туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактаби мусика фани ўқитувчиси (бахши)

### «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

**Мадалиев Масуджон Маҳмудович** — «Устазода» халқ санъати усталари корхонаси кандакор устаси

**Муротов Ҳабибиддин Тожидинович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганжкор уста

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

**Каримов Бахтиёр Рауфович** — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 90-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиси»

**Иброҳимов Илҳом Абдуллаевич** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Фарғона вилояти бўлими хонандаси

Давоми иккинчи саҳифада.



## Ифтихор ОФТОВИМ, ЎЗБЕКИСТОН

Нияти хуш инсоннинг боли тилидан томгай,  
Ҳаваски ҳалол бўлса дуо қўлидан томгай,  
Қай юртки жаннат мованд, нури гулидан томгай,  
Туларни товлангирган моҳтобим, Ўзбекистон,  
Орият осмонида офтобим, Ўзбекистон.

Сен отамнинг даласи, онамнинг райҳонзори,  
Қизларим чехрасидек бу дунёнинг гулзори,  
Эй кўксим камалаги, эй дилимнинг дилдори,  
Шукронам шарқиратган шалолам, Ўзбекистон,  
Кўларимнинг чамани, гуллолам, Ўзбекистон.

Оламга оро берар озод элнинг сафоси,  
Тонларинг таровати тиңчилигимиз жилоси,  
Сен умримиз зиёси, сен бахтимиз хумоси,  
Қадримдан сўз очсалар, қароғим, Ўзбекистон,  
Топинганим, туморим, тупроғим, Ўзбекистон.

Миллат тутдек тўкилди ҳурлигин куйлагунча,  
Бахт юзини кўрмади бу тўйда тўйлагунча,  
Дардинг дунёча бўлди дунёга бўйлагунча,  
Армони ортда қолган, озодим, Ўзбекистон,  
Орзуси ушалган халқ, ободим, Ўзбекистон.

Аждоди оқилларнинг бошида куёш ботмас,  
Авлоди орда собит, жон берар, Ватан сотмас,  
Эл агар обод бўлса нон новвот — миннат тотмас,  
Баракаси боқий юрт ягонам, Ўзбекистон,  
Муқаддасан, мафтункор, таронам, Ўзбекистон.

Кимлигидан ифтихор қилолган халқ ўзингсан,  
Ким бўлганим бу олам билолган халқ ўзингсан,  
Тугин дунё тоқига илолган халқ ўзингсан,  
Тилагида тонг кулган офтобим, Ўзбекистон  
«Ким бўлдинг?» дегувчига жавобим, Ўзбекистон.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири



**Азизхон ҚАЮМОВ,**  
ЎзФА академиги, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби

## ОЛДИМИЗДА КАТТА ИШЛАР ТУРИБДИ

Халқимиз мустақиллигимизнинг 23 йили давомида фидокорона меҳнати билан оламшумул муваффақиятларни кўлга киритди. Ўзбекистон озодликка эришгач эркин, обод, истиқболли порлоқ мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамиятида катта обрў ва эътиборга эришди. Бу йўлда муҳтарам Юртбошимизнинг хизматлари улуг ва таҳсинга сазовордир.

Ўзбек адабиётшунослиги, хусусан, навоийшунослик мустақиллик йиллари кенг қанот ёзди ва камол топди. Илгари биз Навоийнинг туғилган кунини тор доирада, фақат мутахассислар даврасидагина нишонлар эдик. Мустақиллик йилларида Алишер Навоийнинг туғилган кунини — 9 феврал Ўзбекистон халқининг миллий байрамига айланиб кетди. Бу байрам юртимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида, ҳар бир оиллада нишонланадиган бўлди. Навоийга бўлган муҳаббат истиқлолнинг илк йилдан бошланган. 1991 йил — Алишер Навоий йили, деб аталган эди.

Бахтли тасодифни қарангки, улуг шоиримизнинг 32 асари, яъни бутун

ижодий маҳсули бизгача тўла етиб келган. Бу асарларнинг қўлғемалари авайлаб асралмоқда, чуқур ўрганилмоқда ва оммалаштирилмоқда.

Мен уч авлод навоийшунос олимлар фаолиятини яхши биламан. Навоийшунослик бугунги даражага келгунга қадар катта йўлни босиб ўтди. Бизга Алишер Навоий ижодини ўргатган олим — Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Олим Шарафиддинов биринчи бўлиб улуг аллома шоиримизнинг таржимаи холини ёзган. Шунингдек, «Ўзбек шеърияти антологияси» Ойбек домланинг кириш мақоласи билан босилиб чиққан.

Давоми учинчи саҳифада.



## ҚАЛБЛАРДА ИШОНЧ УСТУВОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 августдаги Фармонида биноан мамлакатимизнинг бир гуруҳ ижодкорлари Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлари, жумладан, ўзим ҳам «Эл-юрт хурмати» орденига лойиқ кўрилганим камтарин ва холис меҳнатимизнинг юксак даражада кадрланаётганидан нишонандир. Бундан бошимиз нақ кўкларга етди.

Юксак мукофотни шахсан мен бутун адабиётимиз аҳлига, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятига берилган баҳо, деб биламан. Қалбларида келажакка мустаҳкам ишонч устувор биз — қалам аҳли Юртбошимиз кўрсатаётган катта эътибордан, қўллаб-қувватлашдан руҳланиб, илҳомланиб ижод қилмоқдамиз. Давлатимиз раҳбари, халқимиз олдида ўзимизни қарздор ҳисоблаймиз. Замонамиз қаҳрамони — Озод Ватан одами тимсолини яратиш устида тер тўкиб чарчамаймиз.

Президентимиз Ёзувчилар уюшмаси зиммасига истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда масъул вазифа юклаган эдилар. Ушбу юксак эътибор самараси ўлароқ, Мустақил Ватан куйчиси бўлишни орзу қилган ўнлаб истеъдодли ёш ижодкорлар пок ниятлар билан адабиётга кириб келмоқда. Бу ҳаммамизда қувонч бағишламоқда.

Мамлакатимизнинг энг улуг, энг азиз байрами — Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан адабиётимиз мухлисларини чин дилдан қутлар эканман, ижод аҳли халқимизнинг маънавият хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилидиган, мустақиллик гоёлари тараннум этилган бадий юксак асарлар яратишда асло чарчамайдилар, деб ишонтираман.

**Мухаммад АЛИ,**  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,  
«Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби



## ЭЛ УЧУН, ВАТАН УЧУН

Бундан йигирма уч йил муқаддам муҳтарам Юртбошимиз миллатимизга, Ўзбекистонимизга мустақиллик деган олий унвон тақдим этганди. Ана шу унвон сабаб биз дунё билан баб-баробар, тенгма-тенг гаплаша оладиган, бўйлашадиган мавқега эришдик. Шу халқнинг ижодкор фарзанди сифатида Истиқлол менга қанотни кенг ёйиб, эл учун, Ватан учун сидқидилдан фаол ишлаш ва ўз имкониятларимни намоян қилишга шароит яратиб берди. «Фидокорона хизматлари учун» ордени мени янада кўпроқ ишлашга, фидойи бўлишга, юксалиб бораётган жонажон Ватаним ҳамда азиз Юртбошим учун шижоат билан хизмат қилишга илҳомлантиради.

Увоним — озод юрт фуқаросиман,  
Наслу насабиним мансаб биламан.  
Сафла камарбаста турибман. Ростлан!  
Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!

**Иқбол МИРЗО,**  
Ўзбекистон халқ шоири,  
«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби



## ЭЪТИБОР МАСЪУЛИЯТ ДЕМАҚДИР

Ростини айтсам, бундай юксак эътиборни кутмагандим. Бу туйғу биз ўзимизга етарли баҳо бера олмаслигимиздандир балки.

Назаримда, бу ҳақиқатдан ҳам шундай, биз ҳозир мамлакатимиз ва халқимиз тарихида гоёт муҳим бир даврни бошдан кечирмоқдамиз. Ўзбекистон деган мамлакат ва Ўзбек деган миллат шиддат билан жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллаб бормоқда. Ўзбек зиёлилари шу ялпи жараёнда ушбу ўринни маънавий ва фалсафий жиҳатдан асослаш вазифасини бажариши, том маънодаги ўзбек феноменини жаҳонро кўз-кўз қила олиши лозим, деб ўйлайман. Мен бу ўринда «феномен» деганда ўзбек халқининг бутун қалб бойлиги акс этган бадий асарлар яратиш, шу пайтгача яратилган буюк бадий обидаларимизнинг бор буй-бастини замонавий илмий методлар асосида кўрсатишни кўзда тутаман.

Президент фармонида исм-шарифимдан кейин «адабиётшунос» деган касбни англагувчи сўз борки, бу нарса мени икки қарра

кувонтирди, десам ишонаверинг. Айрим ёзувчилар адабиётшуносликка андак бепишанд қарашлари мумкинки, бу ҳодиса моҳиятини англамасликдан бошқа нарса эмас. Ҳар қандай бадий асар адабиёт илмида ўзининг холис илмий баҳосини олмагунча бадий сўз майдонида ўзининг муқим ўрнини топа олмайди. Илмий-бадий баҳо шу даражада катта масъулиятки, бирор номуносиб асарни ҳаяжон оғушида кўтар-кўтар қилиб китобхонни, жамоатчиликни чалғитгандан кўра сукут сақлаган афзал. Баҳо ҳар тарафлама холис бўлиши ва маънавият тарозусида тортилмоғи зарур. Бу тарозунинг талаблари эса эзгулик, гўзаллик ва инсонийликка мустаҳкам эш.

Бу унвон менга янада катта масъулият юклайди. Мустақиллик даври адабиётининг маънавий-эстетик хусусиятларини белгилаш, яқин ва узоқ ўтмиш адабиётимизга истиқлол мафқураси нуқтаи назаридан баҳо бериш, бу мураккаб дунёда бадий адабиётнинг ўрни ва нуфузини тадқиқ этишда янада ғайрат кўрсатишга ундайди. Зеро, юксак эътибор юксак масъулият демақдир.


**Сувон МЕЛИ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган маданият ходими



31 август - Капагон қурбонларини ёд этиш кун

Абдулхамид Сулаймон ЧЎЛПОН

СЕН-ДА ОДАМ, СЕН-ДА ИНСОНСАН



ГЎЗАЛ

Қоронгу кечада кўкка кўз тикиб, Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен...

Кўзимни оламен ой чиққан ёққа, Бошлайман ойдан-да сени сўроққа...

Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб, Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен...

Ул кетгач кун чиқар ёруғлик сочиб, Ундан-да сўраймен сенинг тўғригид...

Айтадир: «Бир кўрдим, тушамас ўнгда. Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал...

Мен йўқсил на бўлуб уни суйибмен?! Унинг-чун ёнибмен, ёниб-қуюбмен...

СЎЙГАН ЧОҚЛАРДА

Гўзалларнинг маликаси экансан, Буни сенинг кўзларингдан ўқидим...

Гунафшалар кулоғимга малҳингни Сўзлаб-сўзлаб чарчадилар, битмади...

Кўзингдаги ҳикоянинг мазмунини, Шоир бўлсам, айтиб-айтиб йиғлардим...

Хаёлимнинг қип-қизилдан кийинган Парилари, хурларини кўрдимми?

Йўлларингда «шитир» этса сўлган барг, Кулоғимга мусикалар келтирур...

1919 й.

БИНАФША

Ёз қайғиси

Бинафша сенмисан, бинафша сенми - Кўчада ақчага сотилган?

Бинафша, Айт менга, Кимлардир уларким...

Ушлар, эски жароҳатли қалбимни Сатрларнинг наштари-ла тиглардим.

Бинафша, гўзалим, қайғилим, келмайсан...

1922 й.

КЎКЛАМ ҚАЙҒИСИ

Эй қоронғи узун қишининг хаёли Кўклар чоғи кўзларимда ўйнама...

1921 й.

Бир оз... бир оз кўнгил берай кўкларда: Шафтолининг гўзал, қизил юзига...

Қаршимдаги кулиб турган юмшоқ қиз Кўм-кўк майса ўртасида бир гулдир...

Кўклар чоғи сайроқ булбул сайрамас, На учуқким, танбуримнинг тили йўқ...

Тилларимда ҳар кўкларнинг кўшиги, Юрагимда ҳар гўзалнинг севгиси...

Ёлғиз менми кўклар чоғи йиғлаган? Ёлғиз менми ҳар умидда алданган?

Эй кўкларнинг кўз тортувчи келини, Нима учун йиғлагансан бир мени?

КЎНГИЛ

Кўнгил, сен мунчалар нега Кишанлар бирла дўстлашдинг?

Ҳақорат дилин оғритмас, Тубаник мангу кетмасми?

Тириксан, ўлмагансан, Сен-да одам, сен-да инсонсан!

Ки, сен ҳам хур туғилгонсан!..

1922 й.

СОЗИМ

Нафрат ўлкасидан ҳижрат қилганман, Уфат диёрига маскан қурганман...

Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан, Бўғинлар унгуси ўйлашларимдан...

Тилинган тилларга қон югургуси, Бўшалган инларга жонлар киргуси...

1924 й.

СИРЛАРДАН...

Бир тутам сочларинг менинг қўлимда; Ёғинлаб ўпайми, ё тараб очай?

1922 й.

Сочилган сочингдай сочилса сиринг, Анор юзларинг кимга тутасан?

Очилган қўйнимда тўлгонган танинг, Кўнглингда қилча ҳам ҳид етказмас...

1925 й.

Ўзбекистон халқ рассоми О.Қозоқов чизган шoir сурати.

РАҒБАТ КУЧ-ҒАЙРАТ БАҒИШЛАЙДИ



Мустақиллик байрамини ҳар йили янги рух, кўтаринки қайфият билан нишонлаш...

Шараф УСНАТДИНОВ, Республика Маънавий тарғибот маркази...

Дил изҳори

БАХТИМИЗ ТЎКИС БЎЛДИ



Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига...

дан баркамол этиб тарбиялашда самарали натижаларни бермоқда. Бу йил талабаларимиз ва институтимиз...

Шарафатдин АЯПОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият...

УЛУҒ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Санъат ва фан тинчлик, осойишталик барқарор юртлардагина барқ уриб равақ топади...

Ижоднинг илк медалари аслида «Мен дунёни бадий сўз, рангтавир ёки мусиқа воситасида...




Исагон СУЛТОН, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият...

ЭЪТИРОҒГА ЛОЙИҚ БЎЛАЙЛИК

Мамлакатимиз мустақиллик меҳридан кундан-кунга, йилдан-йилга ривожланиб оламшумул ютуқларга...

менинг ҳам дилимда шукрона ёғдуси бўлиб нур сочмоқда. Менга берилган мукофот янада шижоат билан ижод қилишимга...



Ҳайдар МУҲАММАД, «Дўстлик» ордени соҳиби

ОЛДИМИЗДА КАТТА ИШЛАР ТУРИБДИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бу китоблар дастурдай қабул қилинган, антология асосий ўқув кўланмаси эди. Бошқа кўланма йўқ эди.

Биринчи авлод — Ойбек домла, Олим Шарафидинов, Ҳоди Зариф, Абдурахмон Саъдий, Воҳид Зоҳидов...

Навоийшунослиқнинг ҳақиқий самаралари мустақиллик даврида яққол намоён бўлди. Истиқлол эркин илмий изланишлар олиб бориш имкониятини берди.

Алишер Навоийнинг буюк аллома сифатида шаклланишида Султон Абулқосим Бобур, Саид Ҳасан Ардашер...

Мустақиллик йилларида Навоий ва унинг устозлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам атрофлича ўрганилди. Мен устоз ва шогирд аънарасига эътибор қаратишингиз учун бу фикрларга тўхтадим.

Улуғ шоирнинг асарларини бевосита ўқиб-ўрганиш учун ўқувчида алоҳида тайёргарлик лозим бўлади.

Биз ҳали Алишер Навоий ижодининг юз-дан бирини ҳам ўрганиб бўлганимиз йўқ. Хали олдимизда катта ишлар турибди.

Улуғ байрам арафасида матбуотимизда эълон қилинган Президентимиз Фармони маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Мукофотланган ҳамюртларимиз каторида борлигим, албатта, менга катта қувонч берди.

ХУМОЮН ЭЗИБ ОЛДИ.

ИЖОД — ОЛИЙ БУРЧМИЗ

Юртимизда буюқ ўзгаришлар, юксалишлар рўй бераётган тарихий даврда яшаймиз. Айни замонда миллий адабиётимиз ривожланиб, янги мавзулар, янги давр нафаси ҳар бир ижодкорга бетақдор илҳом бахш этмоқда.

Мухтарам Юртбошимиз томонидан «Шухрат» медали билан тақдирланишим ҳаётимдаги қувончли, унутилмас воқеадир. Мен бу медали кўкрагимга эмас қалбимга тақаман.



Ашурали БОЙМУРОД, «Шухрат» медали соҳиби





